

**Қўриқлаш хизмати кўрсатиш бўйича**  
**ШАРТНОМА**

“05” 01 2022 йил

15919-X сонли

Тошкент шаҳри

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Қўриқлаш бош бошқармаси Тошкент шаҳар Қўриқлаш бошқармаси номидан Низом асосида фаолият юритувчи бошқарма бошлиғи Қ.А.Шодибеков (кейинги ўринларда “Ижрочи” деб юритилади) бир томондан **Ўзбекситон Амалий санъат ва хунармандчилик тарихи давлат музейи** директори И.И.Юсупов (кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритилади) иккинчи томондан, биргаликда “Томонлар” деб юритилади) мазкур Шартномани қуидагилар ҳақида туздилар:

**1-боб. Шартнома предмети**

1. Ижрочи ҳарбийлаштирилган соқчи кўринишида техник қўриқлаш марказидан (кейинги ўринларда ТҚМ деб юритилади) фойдаланган ҳолда Буюртмачининг мулкини қўриқлаш хизматини кўрсатиш мажбуриятини, Буюртмачи эса мазкур Шартнома шартларига асосан ўз вақтида кўрсатилган хизмат учун тўловларни амалга ошириш мажбуриятини олади.

**2-боб. Умумий шартлар**

2. **Буюртмачи** объектни қўриқлашга топширади ва “ Қўриқлаш” эса ушбу вазифани қуидаги кучлар билан бажаришни ўз зиммасига олади. Тошкент шаҳар Қўриқлаш бошқармаси Яккасарой тумани қўриқлаш бўлими ҳарбийлаштирилган соқчи шахсий таркиби орқали 1 та 24 соатлик (соат 09.00 дан 09.00 гача, дам олиш кунларисиз) қўриқлаш пости билан Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани Ракатбоши кўчаси 15-уй манзилида жойлашган **Ўзбекситон Амалий санъат ва хунармандчилик тарихи давлат музейи** (кейинги ўринларда объект деб юритилади) **Ижрочи** топширади, **Ижрочи** қабул қиласди.

3. Объектнинг қўриқлаш чегаралари (иморатлари, қурилмалари), постларининг (йўналишлари) жойлашуви чизма-режада кўрсатилади ва мазкур Шартномага илова қилинади ҳамда унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

4. Объектдаги кириш-чиқиши, ички объект режими Буюртмачи томонидан тасдиқланадиган кириш-чиқиши ва ички объект режимини ташкил этиш йўриқномасига мувофиқ амалга оширилади ҳамда мазкур Шартномага илова қилинади ҳамда унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

5. Объектни техник қўриқлаш воситалари билан жиҳозлаш ва таъмирлаш Буюртмачи томонидан амалга оширилади, техник қўриқлаш воситалари Ижрочининг айби билан ишдан чиқсан ҳоллар бундан мустасно. Объектни ёнғиндан қўриқлаш ва хавф-хатар сигнализацияси билан жиҳозлаш чизмаси мазкур Шартномага илова қилинади ҳамда унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

6. Объектни қўриқлашда Буюртмачи билан келишилган ҳолда соқчи итлардан фойдаланиш мумкин.

7. Мазкур Шартнома кучга кирган кундан бошлаб, объектда \_\_\_\_\_ иш куни ичидаги ҳарбийлаштирилган соқчилик қўриқлаш тури йўлга қўйилади.

8. Буюртмачи қўздан кечириш далолатномасида кўрсатилган талабларни бажармаганда Ижрочи қўйилмайди, қўйилган Ижрочи эса чақириб олинади.

### **3-боб. Тўловларни амалга ошириш**

9. Мазкур Шартнома асосида кўрсатиладиган хизматлар нархи белгиланган тарифларга мос ҳолда қуидагича ҳисобланади:

а) пост-соат ҳисобида кўриқлаш хизмати хисоб варакасига асосан (шартнома 1-илова ) тўловни амалга оширилади

10. Ижрочи хизматлари учун тўловларга ўзгартиришлар киритиш қонун хужжатларига мувофиқ ушбу хизматлар турига янги тарифлар тасдиқланган ҳолларда қайта кўриб чиқилади.

11. **Буюртмачи** мазкур Шартнома имзоланган кундан бошлаб, кейинги ойнинг бошланишига 10 кун қолганда **ойлик тўловни 100 фоизи миқдорида** амалга оширади.

**Буюртмачи** бюджет ташкилоти ёки бюджет маблаглари олувчи бўлса, ойлик тўловнинг **100 фоизи миқдорида** тўловини кейинги ой бошланишидан **10 кун** олдин амалга оширади.

12. Хўжалик юритувчи субъект ҳисобланган Буюртмачи мазкур Шартноманинг 11-бандида кўрсатилган ойлик тўловини ўз вақтида тўламаса, Ижрочи Буюртмачига акцептсиз тўлов талабномасини тақдим қилишга ҳақлидир.

Мазкур Шартнома бекор қилинган ҳолларда Ижрочи Буюртмачи билан тўланган тўловлар бўйича қайта ҳисоб-китобни амалга ошириши зарур.

### **4-боб. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

#### **13. Буюртмачи қуидаги ҳуқуқларга эга:**

Ижроидан белгиланган кўриқлаш тартибига риоя этишини талаб қилиш; хизмат кўрсатиш жараённида Ижрочининг ходимлари томонидан интизомни бузиш ҳолатларини тўхтатиши ва йўл қўйилган камчиликларни бартараф қилиш бўйича керакли чоралар кўрилишини Ижроидан талаб қилиш;

Ижрочининг хизматни ташкил қилиши ва амалга оширишини, кўриқлаш турларига мос бўлган кийим-бош анжомлари (экипировкаси) мавжудлигини назорат қилиш;

Ижрочи томонидан мазкур Шартнома шартлари бузилишининг ҳар бир ҳолати бўйича Ижрочининг вакили иштирокида икки нусхада далолатнома тузиш;


Ижрочининг айби билан йўл қўйилган камчиликлар аниқланган тақдирда Ижроидан уларни бартараф этишини талаб қилиш;

Ижрочи томонидан мазкур Шартнома талаблари бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарарни ундириш.

#### **14. Буюртмачининг мажбуриятлари:**

мазкур Шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланган 2022 йил “05” 01 даги кўздан кечириш далолатномасига асосан кўриқлашга топшириладиган обьектни, алоҳида хоналарни техник мустаҳкамлаш бўйича тадбирларни бажариш, ўз ҳисобидан техник кўриқлаш воситалари (объектнинг турига караб пост қурилмалари ва уни иситиш ускуналари, постлараро алоқа, ички ва шахар телефонлари, ёнғиндан кўриқлаш сигнализацияси, обьект периметри бўйлаб керакли ёритиш воситалари, қулфлар, турникет, кузатиш майдончasi, шахсий текшириш хоналари, ишчи ва хизматчиларнинг шахсий буюмларини сақлаш хоналари, ёнғин ўчирувчи воситалар ва бошқалар) билан жиҳозлаш ва зарур ҳолларда уларни таъмирлаш;

ҳар қандай моддий қимматликларни обьект худудининг девор тўсигидан 5 метр узоқликда (объект жойлашувини ҳисобга олган ҳолда) жойлаштириш;



объектда кириш-чиқиши ва объект ички тартибига риоя этиш, объект худудига белгиланган тартибда моддий қимматликлар олиб кирилиши ва чиқилишини назорат қилиш;

объектни қўриқлаш вақтида жойдаги ёнгин хавфсизлиги қоидаларининг бажарилишини таъминлаш;

объектда ёнгин чиқиши ёки ёнгиндан қўриқлаш сигнализациясининг ишлаб кетиши ҳолатида зудлик билан ёнгин бўлимига ёки Буюртмачига хабар бериш;

объектга бегона шахсларнинг кириб кетганилиги аниқланганда зудлик билан Буюртмачининг вакилини чақириш ва объектнинг дахлсизлигини таъминлаш;

ёнгиндан қўриқлаш сигнализацияси ишлаб кетган ҳолатларда сигнализациянинг ишлаб кетиши сабабларини аниқлаш ва объектни қайта топшириш учун Буюртмачи вакилини чақириши, текшириш натижалари ва объектни қайта топшириш бўйича икки нусхада далолатнома тузиш;

Ижроининг ходимлари томонидан хизматни ташкил қилиш ва амалга ошириш, қўриқлаш турларига мос бўлган кийим-бош, кийим-бош анжомлари (экипировкаси) мавжудлигини таъминлаш;

объектни қўриқлашга қабул қилганда ва топширганда объектдаги техник мустаҳкамлик бўйича ва қўриқлашнинг техник воситалари билан боғлиқ аниқланган барча камчиликлар ҳақида Буюртмачини хабардор қилиш;

Буюртмачи билан биргаликда бир йилда икки марта объектнинг техникавий жиҳатдан мустаҳкамлигини, қўриқлашнинг техник воситалари билан таъминланишини, жумладан ёнгиндан қўриқлаш сигнализациясини текшириш қўригини ўтказиш, Буюртмачи томонидан аниқланган камчиликларни бартараф этиш муддатлари ҳамда Ижроини бу хақда хабардор қилиш муддати ва тартибини кўрсатган ҳолда томонларнинг вакиллари иштирокида икки нусхада далолатнома тузиш;

Ижрои томонидан мазкур Шартнома талабларининг ҳар бир бузилиши бўйича Ижрои ва Буюртмачининг вакиллари иштирокида икки нусхада далолатнома тузиш ва бир нусхасини Ижроининг раҳбарига тегишли чоралар кўриш учун бериш;

қўрикланаётган хоналар бузилганлиги ёки мулкка етказилган зарар тўғрисида Миллий гвардия навбатчи қисмига ва Буюртмачига зудлик билан хабар бериш, Миллий гвардия вакили етиб келгунга қадар ҳодиса юз берган жойнинг дахлсизлигини таъминлаш.

## 5-боб. Томонларнинг жавобгарлиги

17. Мазкур Шартноманинг 11-бандида кўрсатилган сумманинг Буюртмачи томонидан ўз вақтида тўламаганлиги учун Буюртмачи Ижроига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи микдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган микдорда пеня тўлайди.

18. Ижроининг ходими постда ва патрул йўналишларида бўлмаганида Ижрои Буюртмачига ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи микдорда пеня тўлайди, бироқ бунда кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоиздан ошиб кетмаслиги лозим.

19. Пеняни тўлаш Буюртмачи ва Ижроини ўз мажбуриятларини бузиш оқибатида етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

20. Ижрои мазкур Шартномада кўрсатилган мажбуриятларини лозим даражада бажармаганлиги натижасида Буюртмачига етказилган зарар учун моддий жавобгар бўлади.



Ижрочи билан биргаликда бир йилда икки марта объектнинг техник мустаҳкамлигини, қўриқлашнинг техник воситалари билан таъминланганини, шу жумладан ёнғиндан қўриқлаш сигнализацияси ҳолатини текшириш кўригини ўтказиш, аниқланган камчиликларни бартараф этиш муддатлари, Ижрочини бу ҳақда хабардор қилиш муддати ва тартибини кўрсатган ҳолда Томонларнинг вакиллари иштирокида далолатнома тузиш;

белгиланган қўриқлаш режими талабларини бажариш ва техник қўриқлаш воситаларининг тегишли ҳолатини таъминлаш;

бинода режалаштирилаётган капитал таъмирлаш ишлари, объектларни қайта жиҳозлаш, иш режимини ва ишлар профилини ўзгартириш, моддий қимматликларни сақлаш жойини ўзгартириш ёки янгиларини очиш, объект ёки унинг бир қисмини бошқа шахсларга ижарага бериш ёки мулк ҳукукини ўтказиш, қўриқлаш турини, постлар дислокациясини ўзгартириш ёки қўшимча қўриқлаш сигнализацияси воситаларини ўрнатиш бўйича тадбирларнинг ўтказилиши ҳақида Ижрочини бундай ишларнинг бошланишидан камида 15 кун олдин огоҳлантириш;

объектни эшиклар қулфи, деразалар, дарчалар, люклар, вентиляция тешиклари ёпилганлигини ва худуднинг ёритилиш ҳолатини текшириш, қўриқланадиган биноларда электр жиҳозларининг, бошқа ёнғин манбаларининг ёқилган ҳолда қолиб кетишининг олдини олиш ва бегона шахсларнинг объектда қолишига йўл қўймаслик;

қўриқлананаётган ҳудудда бинодан ташқарида жойлашган моддий қимматликларнинг миқдори, ассортименти, ўралган ёки қадоқланган ҳолатда қайта хисоб-китоб асосида қабул қилиш-топшириш журналида рўйхатдан ўтказган ҳолда ҳамда Ижрочи ва Буюртмачи вакиллари томонидан имзоланган ҳолда қўриқлашга топшириш;

қўриқланадиган хоналарнинг бутунлиги бузилганлиги ҳақида ёки объектга бегона шахсларнинг кириши натижасида зарар етказилганлиги аломатлари мавжуд бўлганда зудлик билан Ижрочини хабардор қилиш ва объектга Ижрочи вакили этиб келгунига қадар кўрсатилган жойларнинг дахлсизлигини таъминлаш;

Ижрочи вакилларини объектдаги ички тартиб ва техника хавфсизлиги қоидалари билан уларнинг ўз вазифаларини бажаришига оид қисми билан танинтириш;

## **15. Ижрочининг ҳукуқлари:**

Буюртмачидан объектда ўрнатилган кириш-чиқиш ва ички тартибга риоя килинишини талаб қилиш;

мазкур шартномани тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилиш муносабати билан зарур бўлган маълумотномалар ва бошқа ҳужжатларни сўраш ва олиш;

кўздан кечириш далолатномасида кўрсатилган қўриқлаш-техника воситаларини жорий қилиш бўйича Буюртмачига тавсиялар бериш.

## **16. Ижрочининг мажбуриятлари:**

объектда постлар дислокациясига (патрул йўналишига) мувофиқ қўриқлаш нарядини жорий этиш;

мазкур Шартномада ва унинг иловаларига мувофиқ объектни ҳамда қўриқлашга топширилган моддий қимматликларни қўриқлашни ташкил этиш ва таъминлаш;

қўриқлананаётган ҳудуддаги, лекин бинодан ташқарида жойлашган моддий қимматликларнинг миқдори, ассортименти, ўралган ёки қадоқланган ҳолатини текшириб, қайта хисоб-китоб асосида қабул қилиш-топшириш журналида рўйхатдан ўтказган ҳолда ҳамда Ижрочи ва Буюртмачи вакиллари томонидан имзоланган ҳолда қабул қилиб олиш;

Ижрочининг айби билан заар өтказилганлиги аниқланган ҳолларда заар тўлиқ миқдорда қопланади.

21. Ижрочининг айби билан өтказилган заарнинг миқдорини аниқлаш учун томонлар вакилларидан иборат комиссия тузилиши мумкин. Бунда, заар миқдори тегишли хужжатлар билан расмийлаштирилиб, комиссия аъзолари томонидан тасдиқланади. Низо мавжуд бўлган тақдирда заар миқдори суднинг қарори билан аниқланади.

22. Кўйидаги ҳолларда Ижрочи заарни қопламайди:

ижрочи шартномада кўрсатилган мажбуриятларни тўлиқ бажарган бўлишига қарамасдан заар учинчи шахсларнинг жиной ҳаракатлари натижасида өтказилган бўлса ва бу суднинг қонуний кучга кирган қарори билан тасдиқланса;

қабул қилиш-топшириш журналида қайд этилмаган мулкка заар өтказилганди;

буортмачининг ходимлари томонидан ёки уларнинг айби билан заар өтказилганди.

23. Мазкур Шартномада кўрсатилган мажбуриятларни лозим даражада бажармаганлик учун белгиланган неустойка (жарима, пеня) тўлаш ҳамда заарни коплаш Томонларни Шартномада кўрсатилган мажбуриятларини бажаришдан озод этмайди.

#### **6- боб. Низоларни ҳал қилиш тартиби**

24. Мазкур шартномани тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилиш вақтида тарафлар ўртасида келиб чиқадиган низолар, шунингдек өтказилган заарни коплаш тўғрисидаги низолар қонун хужжатлари белгиланган тартибда Тошкент шаҳар туманлараро иқтисодий суд томонидан кўриб чиқилади.

#### **7-боб. Форс-мажор**

25. Томонлар ушбу Шартнома бўйича мажбуриятлар кисман ёки тўлиқ бажарилмаганлиги учун, агар ушбу бажармаслик Шартнома тузилгандан кейин пайдо бўлган, енгиб бўлмайдиган куч, яъни фавқулодда ва муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар (форс-мажор) оқибати ҳисобланса, жавобгарликдан озод килинади.

26. Енгиб бўлмайдиган куч ҳолатига ҳавола қилувчи Томон бошқа Томонни бундай ҳолатлар бошланганлиги ва тамом бўлганлиги тўғрисида икки кун ичидаги ёзма шаклда хабардор қилиши шарт. Ушбу муддат ичидаги хабар бермаган Томон мазкур Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажармаганлиги учун жавобгарликдан озод қилиш асоси сифатида кўрсатишга ҳақли эмас.

Форс-мажор ҳолатларига сув тошқинлари, ер қимирилаши ва бошқа табиий ҳалокатлар, шунингдек эпидемиялар, ёнгинлар, портлашлар, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мазкур Шартнома ижросига бевосита таъсири киради.

27. Мазкур Шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмас куч ҳолатлари амал қилган даврга мутаносиб равишда кечикирилади. Агарда форс-мажор уч ой давом этса Томонлар мазкур Шартномани бир томонлама бекор қилишга ҳақли.

#### **8-боб. Якуний қоидалар**

28. Мазкур шартнома икки томонлама имзоланиб, тегишли штат бирлиги ажратилиб, обеъкт қўриклишга қабул қилинган кунидан бошлаб кучга киради.

Мазкур Шартнома бюджет ташкилотлари ёки бюджет маблағлари олувчилиари билан тузилганда газначилик бўлинмаларида рўйхатдан ўтказилгандан сўнг кучга киради.

29. Мазкур Шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма шаклда тузилганда ҳамда Буюртмачи ва Ижрочининг вакиллари томонидан имзоланган тақдирда ҳақиқийдир.

Томонлар мазкур шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳакидаги таклифга иккинчи тарафдан рад жавоби олганидан кейингина ёки ўттиз кунлик муддатда жавоб олмаганидан кейин, шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисидаги талабни судга тақдим этиши мумкин.

30. Шартноманинг амал қилиш муддати қўйидагича белгиланади:

Ушбу шартнома 1 (бир) йил муддатга 3 (уч) нусхада тузилиб, биринчи нусхаси Миллий гвардия ҚББга, иккинчи нусха Тошкент шаҳар Қўриқлаш бошқармасига, учинчи нусхаси буюртмачига берилади.

бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчилари бўйича — белгиланган тартибда газначилик бўлинмаларида рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб йилнинг 31 декабрь куни охиригача.

Буюртмачи хўжалик юритувчи субъект бўлган тақдирда Буюртмачи мазкур Шартномани бекор қилиш ҳакида Ижрочига Шартнома муддати тугашидан 30 кун олдин маълум қилмаса, мазкур Шартноманинг амал қилиш муддати худди шу муддатга ва худди шу шартларда узайтирилган ҳисобланади.

31. Агар техник кўриқлаш воситалари Буюртмачининг айби билан ишдан чиккан, капитал ёки жорий таъмиглашни талаб қилса, бироқ Буюртмачи буни рад этса, Ижрочи Буюртмачига етти кун олдин ёзма маълум қилган ҳолда алоҳида объектларни кўриқлашни рад этиши мумкин.

32. Буюртмачи кетма-кет уч марта мазкур Шартноманинг 11-бандида кўрсатилган тўловни белгиланган муддатда тўламаса, Ижрочи мазкур шартномани Буюртмачини ёзма равишда огоҳлантирган ҳолда бир томонлама бекор қилишга ҳақли.

33. Ижрочи кетма-кет уч марта пост ва патрул йўналишларида кўриқлаш тартибини бузса, Буюртмачи мазкур шартномани Ижрочини ёзма равишда огоҳлантирган ҳолда бир томонлама бекор қилишга ҳақли.

34. **Буюртмачи** алоҳида объектларни кўриқлашни рад қилиш ёки мазкур Шартномани муддатидан олдин бекор қилиш тўғрисида **Ижрочига икки ой** олдин ёзма равишда маълум қиласди.

35. Тарафлар ўзлари тузган хўжалик шартномасининг шартларини уларнинг шартнома тузилишидан олдин вужудга келган муносабатларига нисбатан қўлланилади деб белгилаб қўйишига ҳақлидирлар. Шартнома муддати тугаши томонларни уни бузганликлари учун жавобгарликдан озод қилмайди.

36. Объектнинг хусусиятидан келиб чиқиб Томонлар мазкур Шартномага қонун хужжатларига мувофиқ хуқуқ ва мажбуриятларини назарда тутувчи қўшимча бандлар киритишлари мумкин.

37. Ушбу шартнома икки тарафлама имзолангандан сўнг 2021 йилининг 17-февраль кунида тузулган № 15919-Х-сонли шартнома ўз кучини йўқотади.

## 9-боб. Томонларнинг юридик манзиллари ва реквизитлари

### “ИЖРОЧИ”

Тошкент шахар Кўриқлаш бошқармаси  
Тошкент шахар, Марказ-4, Қашқар кўчаси, 3-йй  
Х/р: 21 596 000 300 447 995 001  
МФО: 00014 ИНН: 202 628 856  
ОКОНХ: 97920  
Ўз.Р. Марказий банки Бош Бошқармасининг  
ҲҚМ Тошкент шахар  
тел:71-234-49-24



Қ.А.Шодибеков


### “БУЮРТМАЧИ”

Ўзбекистон Амалий санъат ва  
хунармандчilik тарихи давлат  
музейи  
иши 20120830 МФО: 00014  
р/с 100010860262874082200245001  
Тошкент ш. Йиссангорой Рум.  
Роҳаб доими кўмаси - 15.

Ўзбекистон Амалий санъат ва  
хунармандчilik тарихи давлат  
музейи директори



И.И.Супов



**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**

Ўзбекистон Республикаси Миллий  
гвардияси Кўриқлаш бош бошқармаси  
Тошкент шаҳар Кўриқлаш бошқармаси  
бошлиги



А.Шодибеков

**“РОЗИМАН”**

Ўзбекистон Амалий санъат ва  
хунармандчилик тарихи давлат  
музейи директори



И.И.Юсупов

Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани, Ракатбоши кучаси 15-й манзилида жойлашган  
Ўзбекистон Амалий санъат ва хунармандчилик тарихи давлат музейи иншоотини кўриқлашда  
хизмат қилаётган Тошкент шаҳар Кўриқлаш бошқармаси Яккасарой тумани кўриқлаш  
бўлими харбийлаштирилган соқчи ходимларини 2022 йил 01 январь кунидан моддий  
таяминлаш тўғрисида тузилган.

**ҲИСОБ-ВАРАҚАСИ**

Кўриқлаш ойлари	пост сони	кўриқлаш вақти соат	бир ойлик кўриқлаш вақти соат	кўриқлаш пост/соат нархи	Жами
Январь	1	24	744	32252	<b>23.995.488</b>
Февраль	1	24	672	32252	<b>21.673.344</b>
Март	1	24	744	32252	<b>23.995.488</b>
<b>Жами</b>			<b>2160</b>		<b>69.664.320</b>

**Жаъми; 69.664.320** (олтмиш туқиз милион олти юз олтмиш турт минг уч юз йигирма) сўм 00 тийн

Тошкент шаҳар Кўриқлаш бошқармаси  
МИБ бошлиги



Н.Н.Рўзибоев

**Асос:** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 16 марта кунидаги ПҚ-5029-сонли Қарори ва 2021 йил 17 август кунидаги ПФ-6279-сонли Фармони.

Тошкент шаҳар Кўриқлаш бошқармаси  
Яккасарой тумани кўриқлаш бўлими  
бошлиги



Б.С.Юлдашев